

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНТУРДИЕВА ШОИРА РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕК ДИНИЙ МАТНИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Амонтурдиева Шоира Равшановна Ўзбек диний матнининг функционал-стилистик тадқиқи.....	3
Амонтурдиева Шоира Равшановна Функционально-стилистическое исследование узбекского религиозного текста.....	21
Amonturdiyeva Shoira Ravshanovna The functional-stylistic research religion text of Uzbek language.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНТУРДИЕВА ШОИРА РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕК ДИНИЙ МАТНИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.3.PhD/Fil933 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жабборов Хўжамурод
филология фанлари доктори, доцент

Улуқов Носиржон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил ____ соат ____ да мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс(8366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ тарқатилди.
(2020 йил _____ даги « ____ » рақамли баённома)

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида диний матнлар халқларнинг миллий-маданий хусусиятларини, эътиқодини, ижтимоий турмуш тарзини, этник тарихи ва эстетик қарашларини яхлитликда тадқиқ этиш учун имконият яратувчи муҳим манба саналган. Ҳар бир тилнинг диний матнларда илм-фан, мафкура, сиёсат, жамият бошқаруви, шариат, иқтисод ва этика-эстетикага оид билимларнинг мужассамлашуви халқларнинг маънавияти ва маърифатини бойитишда ҳамда тартибга солишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, диний матнлар муайян халқ тилининг лексик фондини бойитиш билан бирга унинг тафаккур тарзи ва ментал хусусиятларини ифода этувчи кўзгусидир. Дунё тилшунослигида диний матнларни замонавий лисоний методлар асосида тадқиқ этиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида диний матнлар лексикаси ва фразеологияси, диний лексик бирликларнинг луғавий-маъновий, услубий хусусиятларини тадқиқ этиш, уларни мавзуий жиҳатдан тасниф қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Ҳар қандай тилдаги диний матнлар минг йилликлар давомида лингвистик тадқиқот объектига айлантирилиши натижасида кўплаб илмий кузатишлар юзага келган. Диний матнлар ер юзида асрлар давомида умргузаронлик қилган инсониятни ҳамиша яхшиликка, эзгуликка, аҳилликка, дўсту биродарликка даъват қилган, инсоний фазилатларни улуғлашга қаратилганлиги билан эътиборга молик. Шу нуқтаи назардан, диний матнларнинг тил хусусиятлари ва луғавий таркибини янада кенгрок ўрганиш, ўзига хос услубий хосланишини лингвистик муаммо сифатида тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилиқни хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Истиқлол туфайли ўзбек халқи ўзининг диний-маънавий меросини ўрганиш бахтига муяссар бўлди. Мустақиллик йилларида уни ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, тил аспектида ўрганишга ҳам қулай шароит пайдо бўлди. Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеяси 72 сессияси минбаридан туриб «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз»¹ дея фикр билдириши орқали маънавиятимиз ва кадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган ислом динининг мазмун-моҳиятини халқимиз онгига чуқур сингдириш масаласини дунё миқёсига олиб чиқди. Шу нуқтаи назардан, ўзбекча диний матнларни вазифавий услублар доирасида ўрганиш, уларнинг лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларнинг ўзбек тили функционал-стилистик тизимида тутган ўрнини белгилаш тилшунослигимизда долзарб вазифага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нуткидан.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5419-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5850-сонли Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диний матнларни лингвистик аспектда тадқиқ этиш масалалари билан жаҳон тилшунослиги аввалдан шуғулланиб келади. Жумладан, Н.Мечковскаянинг «Тил ва дин»², А.Миннегалиеванинг «Татар диний-дидактик адабиёти тили: ислом юриспруденцияси трактати «Мухтасар ал-Кудури» материали асосида» номли номзодлик диссертацияси³, М.Саттарова, Р.Нурмухаметова, Ю.Елезароваларнинг «Диний семантикали татар фразеологизмлари» мақоласи⁴, З.Яхьяеванинг «Кўмиқ тилининг диний лексикаси ва фразеологияси»⁵ мавзусидаги номзодлик иши, Х.Курбановнинг «Чечен тилининг диний лексикаси»⁶ мавзусидаги номзодлик иши, Т.Ицковичнинг «Коммуникатив-прагматик ва категориал матн асосларида диний услубнинг жанрга тизимлаштириш»⁷ номли докторлик диссертацияси ҳамда «Муаммони кўйишда жанр аспектидаги диний-функционал услуб»⁸ номли тадқиқоти, З.Хафизованинг «Бошқирд тили диний лексикасинининг маъновий таснифи»⁹ каби ишлар фикримизни исбот этади. Демакки, бу йўналишда дунё тилшунослигида муҳим тадқиқотлар амалга оширилган. Шу сабаб биз ҳам ўзбек тилшунослигида мазкур мавзунини тадқиқ этиш вақти келди ва бу ҳаётий зарурият деб ўйлаймиз.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида теологик тушунчаларга берилган мукамал изоҳлар туркий тилшуносликда мавзу доирасида олиб борилган кузатишларнинг ғоятда қадимий эканлигини тасдиқлайди. Аммо ўзбек тилшунослигида диний матнларга лингвистик

²Мечковская Н.Б. Пособие для студентов гуманитарных вузов. – М.: Агентство «ФАИР», 1998. -352 с.

³Миннегалиева А.М. Язык татарской религиозно-дидактической литературы: на материале трактата по исламской юриспруденции "Мухтасар ал-Кудури": Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Казань, 2007.

⁴http://www.dissercat.com/content/yazyk-tatarskoi-religi_ozno-didakticheskoi-litera_tu_ry-na-materiale-traktata-po-islamskoi-yuri#ixzz5b5P QjVGg

⁵<http://www.dissercat.com/content/religioznaya-leksika-i-frazeologiya-kumykskogo-yazyka#ixzz5jLiCg9rY>

⁶<http://www.dissercat.com/content/religioznaya-leksika-v-chechenskom-yazyke#ixzz5jLo2EwoC>

⁷<http://hdl.handle.net/10995/38999>

⁸http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/38999/1/urgu1550_d.pdf

⁹<https://www.openrepository.ru/article?id=675824>

тадқиқот объекти сифатида мурожаат қилиш XX асрдан кейинги даврларга тегишлидир. XX асрнинг 60 йилларида Н.Баскаков томонидан мусулмон оламида амалда бўлган тилларда, жумладан туркий тилларда яна бир услуб - диний услубнинг мавжудлиги ҳақида фикр билдирилган¹⁰. Н.Улуқов 1997 йилда ҳимоя қилган «Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси» мавзусидаги номзодлик диссертацияси бевосита ана шу муаммонинг маълум қисмини ҳал этишга бағишланган¹¹. А.Ўрозбоевнинг «Огаҳийнинг "Риёз уд-давла» асарида ижтимоий-сиёсий лексика» номли номзодлик ва «Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияларида ҳам диний лексика ҳақида сўз юритилган. Аммо уларнинг ҳеч бирида ўзбекча диний матнларни функционал-стилистик аспектда ўрганиш масаласи ўртага қўйилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тилшунослиги: бадий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекча диний матнларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш ва шу орқали унинг ўзига хос жиҳатлари, танланиш имкониятлари, услубий ва ўзбек тили функционал услублари тизимида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тили стилистикаси, хусусан, функционал стилистика масалаларига тўхталиб ўтиш;

ўзбекча диний матнларни функционал-стилистик йўналишда ўрганиш масаласини ўртага қўйиш ва ушбу матнлар услубига вазифавий-услубий жиҳатдан муносабат билдириш;

диний матнларда тил бирликларининг намоён бўлишининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари аниқлаш;

ўзбек тили функционал услублари тизимида диний услубнинг мавжудлиги ҳақида муайян хулосаларга келиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қуръони Карим, ҳадислар, «Жавоҳир-ул ҳикоёт», «Манбаъ ул-маориф», муфтий Усмонхон Алимовнинг «Расулulloҳ (алайҳиссалом) нинг муборак васиятлари», «Оилада фарзанд тарбияси» каби манбалари, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва айрим масжид имом-хатибларининг амру маъруфлари асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг предметини диний матнларда фонетик, лексик-грамматик воситаларнинг функционал-услубий қўлланиш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзуини ёритишда таснифлаш ва тавсифлаш, қиёслаш ва компонент, экспериментал, стилистик, статистик ва лексикографик таҳлил методларидан фойдаланилган.

¹⁰ Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках// Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968. – С. 57.

¹¹Улуқов Н.Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол. фан. номз. ..дис. автореф. – Тошкент, 1997.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диний матнлар вазилавий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унинг ўзбек тили функционал-стилистик тизимидаги ўрни очиқ берилган;

диний матнларнинг лексик-семантик, семантик-услубий, грамматик хусусиятлари аниқланиб, ўзбек тили функционал услубларига хосланиши асосланган;

диний матнларда тил бирликлари намоён бўлишининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари фактик материаллар билан далилланган;

диний матнларнинг фонетик хусусиятлари экспериментал тадқиқ қилиниб, унинг адабий тил меъёрларига амал қилиниш даражаси аниқланган ва ёзма диний матнларнинг имловий хусусиятларига доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диний матнлар бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек услубшунослиги, ўзбек нутқи маданияти учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, стилистика, лингвокультурология, психоллингвистика, социоллингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асослаб берилган;

диний матнларнинг электрон вариантлари ва частотали луғатлар тузишнинг лингвистик таъминоти яратилган;

диний матнлар ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлари нуқтаи назаридан ўрганилган ва бошқа функционал услублар матнлари билан солиштириб кўрилиб ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланган;

амри маъруф, жаноза нутқи ва бошқа шаклдаги оғзаки диний матнларининг талаффуз меъёрлари таҳлил этилган, ўзбек тили функционал услубларини алоҳида кўриниши эканлиги ҳақида муайян хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик мукамаллиги ва методик жиҳатдан тўғри эканлиги, матнлар таҳлилининг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганлиги, олинган хулосаларнинг замонавий лингвистика олдига қўяётган талабларга мувофиқ келишлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги жаҳон ва ўзбек тилшунослигида функционал стилистикага оид амалда исботини топган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек тили функционал стилистикаси тизимида яна бир алоҳида услуб-диний услубнинг мавжудлиги ҳақидаги қарашларнинг илмий асосга эга эканлигини далиллангани, диний матнларнинг лексик-семантик, семантик-услубий, грамматик хусусиятлари аниқлангани, ўзбек тили функционал услубларига хосланиши асослангани, назарий хулосалар ва таҳлил усулларининг бошқа туркум матнларни ҳам қиёсий ўрганишда манба вазифасини ўташи мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тўпланган материалларидан узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида – услубшунослик, тилнинг меъёрий муаммолари, нутқ маданияти ва риторикага оид ўқитиладиган курсларда фойдаланиш олий ўқув юртларида “Ўзбек тили стилистикаси”, “Нутқ

маданияти ва мутолаа санъати” фанлари мавзулари доирасида махсус курслар ўқишда, умумтаълим мактабларида она тили, ботаника дарсларида қўшимча материал сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек диний матнининг функционал-стилистик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек диний матнининг функционал-стилистик тадқиқи юзасидан олинган хулосалар ОТ-А-2018-519-рақамли «Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб иловасини дастурий таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 89-03-4197-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг диний матнлар услуби бўйича маълумот олиши таъминланган;

тадқиқот натижаларидан Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан чоп этилган «Ҳаким Термизий» (У. Уватов, Ж. Чўтматов), «Имом Термизий» (У. Уватов, О. Жўраев), «Абу Бакр Варроқ Термизий» (Ж. Чўтматов) рисолаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар диний идорасининг 2020 йил 8 июлдаги №1479-сон маълумотномаси). Натижада рисолалар диний матнлар услуби бўйича маълумот билан бойитилган;

амри маъруф, жаноза нутқи ва бошқа шаклдаги оғзаки диний матнларининг талаффуз меъёрларига оид хулосалардан Сурхондарё вилояти телеканалининг «Тил - миллат кўзгуси», «Муносабат», «Ҳидоят сари» кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Сурхондарё вилояти телевидениясининг 2020 йил 17 мартдаги 01-01-80-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар диний матнларининг ўзбек тилидаги нутқий услублардаги вазифаси билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та, 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 168 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диний матнларни функционал-стилистик аспектда ўрганиш ва унинг экстралингвистик шарт-шароитлари**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат.

Бобнинг «*Диний матнларнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши тарихидан*» деб номланган биринчи фаслида мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотларга муносабат билдирилди. Жумладан, М.Н.Кожина, Н.Б.Мечковская, М.Саттарова, Р.Нурмухаметова, Ю.Елезарова, З.Б.Яхьяева, Х.Т.Курбанов, Т.И.Викторова, З.Р.Хафизоваларнинг рус, татар, чечен, бошқирд ва кўмик тилларидаги диний матнлар функционал-стилистик аспекти тадқиқ этилган асарлари назарий манба сифатида ўрганиб чиқилди ва бу тилларда диний услуб мавжуд деган қарашлари эътиборга олинди.¹²

Шунингдек, комусий олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида учровчи теологик терминлар, ўзбек тилшунослигида услубшунослик, функционал стилистика ва диссертация мавзусига оид тадқиқотлар олиб борган А.Ғуломов, А.Шомақсудов, Н.А.Баскаков, Р.Қўнғуров, Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, С.Каримов, С.Бобохонова, Т.Қурбонов, Н.Улуқов, А.Ўрозбоев, Ш.Махмараимова, Ж.Омонтурдиев, А.Омонтурдиев ва бошқа олимларнинг кузатишлари ўрганилди.¹³

«Девону луғотит турк» асарида теологик тушунчаларни ифодалайдиган *тЭңри (худо), жалавач (пайгамбар), табуғ (тоат қилмоқ), битик (тум ор),*

¹² Мечковская Н.Б. Пособие для студентов гуманитарных вузов. – М.: Агентство «ФАИР», 1998; ISBN 5-88641-097-Х; Миннегалиева А.М. Язык татарской религиозно-дидактической литературы: на материале трактата по исламской юриспруденции "Мухтасар ал-Кудури": Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Казань, 2007; http://www.dissercat.com/content/yazyk-tatarskoi-religi_ozno-didakticheskoi-litera_tu_ry-na-materiale-traktata-po-islamskoi-yuri#ixzz5b5PQjVGg; http://www.dissercat.com/content/religioznaya-leksika-i-fra_zeologiya-kum_yks_kogo-yazyka#ixzz5jLiCg9rY; http://www.dissercat.com/content/religioznaya-leksika-v-chechen_skom-yazyke#_ixzz5jLo2EwoC; <http://hdl.handle.net/10995/38999>; http://elar.ufrj.br/bitstream/10995/38999/1/urgu1550_d.pdf; <https://www.openrepository.ru/article?id=675824>.

¹³ «Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1954 йил 2 август; Шарқ юлдузи, 1953, 9-сон; Шарқ юлдузи, 1954, 3-сон; «Ўзбек адабиёти масалалари» тўплами, Тошкент, 1959; «Ўзбек тилшунослиги масалалари» тўплами, СаГУ илмий асарлари, Тошкент, 1957; Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968; Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Уринбаев Б. Вопросы синтаксис узбекской разговорной речи: Автореф. дис. ...д-ра филол.наук. – Ташкент, 1974; Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантика-функциональном аспекте: Автореф. дис. ...д-ра филол.наук. – Ташкент, 1985; Бабаханова Д. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ...канд филол.наук. – Ташкент, 1987; Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ...канд филол.наук. – Ташкент, 1987; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадийи услуби: Филол.фан.д-ри ...дис. автореф. – Тошкент, 1994; Қўнғуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд, 1984; Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. – Тошкент: «Фан», 1992; Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номз.... дис.автореф. – Тошкент, 1997; Каримов С. Ўзбек тилининг функционал стилистикаси. – Самарқанд, 2010; Ўразбоев А.Д. Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарида ижтимоий-сиёсий лексика: Филол.фан.номз... дис.автореф. – Тошкент, 2009; Шу муаллиф. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси: Филол.фан.д-ри (DSC)... дис.автореф. – Тошкент, 2018; Омонтурдиев Ж. Маърифатнома. – Т.: «Мумтоз сўз», 2013; Омонтурдиев Ж., Омонтурдиев А. Маърифий-ирфоний истилохлар изохли луғати. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2014; Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018 ва бошқ.

бошатти (талоқ қилди), jäl, j Эқ (шайтон), jäl (жин), жултурди (фидя берди), јунди (таҳорат қилди), ном (дин ва шарият), Ӗз, Ӗз қонуқи (руҳ), субузган (1.ибодатхона, 2.мозор), тӖзгінди (ҳаж, сафар, зиёрат қилди), тін (руҳ, жон, нафас) сингари ўттизга яқин сўзларнинг учрашлигидан маълум бўлдики, туркий халқлар тафаккурининг исломга қадар бўлган даврларда ҳам нақадар кенг бўлган. А.Ўразбоевнинг икки сўз – *яздон* ва *пайгамбар* элементларига оид таҳлиллари ҳам бу фикрни исботлайди. Олим *илоҳ* маъносидаги *яздон* нинг «Авесто»да *yazatanam*, паҳлавий тилида *yaztân, yazdân* шаклларида ишлатилган бўлиб, аслида авестовий «илоҳ» маъносидаги *yazata* сўзининг кўплигидир, деган фикрни айтган.¹⁴

Н.Улуқовнинг «Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси» номли номзодлик диссертацияси мавзу доирасидаги дастлабки жиддий ишдир. Ушбу диссертация иши ўзбекча диний матнлардаги экзотизмларнинг ўрганилиши илмий-танқидий таҳлил этилганлиги ва тавсифланганлиги, экзотик сўзларнинг ўзбек тили лексик қатламидаги бошқа сўзлардан фарқли жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилинганлиги, уларнинг қўлланишидаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар тўғрисидаги фикрлари ўзбек тилшунослиги учун илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган.¹⁵

Бобнинг «*Диний матнларнинг ўзбек тили функционал-стилистик тизимида тутган ўрни*» деб номланган иккинчи фаслида диний матнларнинг ўзига хос хусусиятлари бошқа функционал услублар доирасидаги матнлар билан қиёсланган ҳолда очиб берилди.

Маълум бўлдики, диний матн услуби ўзбек тили функционал услубларининг бир кўриниши ва у диний-маърифий соҳа вакиллари тилида амал қиладиган алоҳида лексик-фразеологик, грамматик хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар диссертацияда илмий, расмий, публицистик, бадий ва сўзлашув услублари билан таққосланган ҳолда ёритиб берилди.

ДМларни кузатиш унда ўзбек тилида амалда бўлган бошқа услубларнинг элементлари ҳам учраб туришлигини кўрсатди. Айни пайтда, улар муайян фарқларга ҳам эга. Масалан, Қуръон оятлари ва муборак ҳадисларга таянилиши, ундов сўз ва гаплар, уларнинг мурожаат шакллари, кўчирма гапларнинг ҳамда *ривоят қилинади, дейилади, дейдилар, сўради(лар)* феъл шакллари фаоллиги ДМларни ИМлар услубидан фарқласа, аниқликка интилиш, фикрни содда, аниқ ва тушунарли тилда баён қилиш, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмаслиги бу икки матннинг ўхшаш жиҳатлари бўлса, намоз, азон айтилиши, никоҳнинг расмийлаштирилиши, кундалик беш вақт намознинг, жаноза, таровеҳ, жума, ҳайит намозларининг ўқилиши ёки умуман, ваъзхонлик, қироатхонлик каби ибодатлар, диний анжуманлар арабий матн, оят ва дуолар асосида ижро этилиши ДМларни ўзбек тилининг расмий матнларидан фарқлайди. Диссертацияда ДМларнинг қолган функционал услубларда шаклланган

¹⁴Ўразбоев А.Д. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси: Филол.фан.д-ри (DSC)... дис.автореф. – Тошкент, 2018, -Б.18.

¹⁵Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номз.... дисс.автореф. – Тошкент, 1997.

матнлар билан ўхшашлик ва фарқли томонлари мана шу тарзда кўрсатиб берилган.

Бобнинг «*Диний матнлар услубини белгиловчи экстралингвистик омиллар*» деб номланган учинчи фасли таҳлида ДМнинг ўз адресати борлиги, булар – диний эътиқоддаги кишилар бўлишлиги, матннинг муайян аудиторияга мўлжалланганлиги, бу аудитория, асосан, масжидлар ва хонақоҳлар, диний мазмундаги телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар, диний маросимлар ва суҳбатлар эканлиги каби ЎДМларнинг фақат ўзигагина хос бўлган экстралингвистик жиҳатлар аниқланди.

ДМлар муаллифлари одатда дин пешволари бўлишади. Улар диний таълимот соҳасида махсус билим ва тажрибага эга бўлган уламолардир. Уламолар одатда махсус формада – бошларига салла ўраган ва устларига халат кийган бўлишади. Қонунда фақат улар ана шу тартибда кийиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мана шу санаб ўтилган экстралингвистик омиллар омма олдида чиқиш қилувчи уламоларнинг нутқига муайян даражада таъсир кўрсатади ва унинг самарадорлигини белгилайди.

ДМларнинг ўзига хослигини белгиловчи экстралингвистик омиллар, одатда, оғзаки матнларда яққол намоён бўлади. Диний нутқ жиддий ва вазмин нутқдир. Унда нотикнинг эҳтиросларга берилиб кетиши маъқул кўрилмайдди, ножоиз сўз ва иборалар ишлатилмайдди. Нутқ бир маромда, расмий оҳангда ижро этилади. Бу пайтда ўзига хос овоз тони («образи») юзага келади. Маъруза жараёнида албатта ҳужжат ва далилларга таянилган ҳолда нутқ шакллантирилади. Бу ҳужжат ва далиллар Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадислар бўлиб ҳисобланади.

Албатта, бу мўътабар манбалардан фойдаланишнинг ўз тартиб-қоидалари бор. Масалан, Аллоҳ ёки унинг Расули номларини нотиклар ўзлари истаган шаклда атайвериши диний одоб нуқтаи назаридан жоиз эмас. Уларнинг номлари қатъий қоида ва тартиб билан тилга олинади. Масалан, *Аллоҳ субҳана ва таоло, Муҳаммад саллоҳу алайҳи ва саллам* (*الله سبحانه وتعالى، محمد صلى الله عليه وسلم*) каби.

ДНнинг яна бир нозик томони бор. У китобий нутқнинг публицистик, бадий услубларга хос жиҳатларини олиб бўлмагани каби, СУнинг муомала-маиший, оддий нутқ шаклларида фойдаланиб бўлмайдди. Оралиқ позицияни тутайди. Мана шу экстралингвистик шарт-шароитлар ДМларни ўзбек тилидаги бошқа ФУлар меъеридан жиддий фарқлайди.



Биз мустақиллик йилларида қабул қилинган дин соҳасига оид ҳужжатларни ҳам диний нотиклик санъатининг ривожланишида ўта муҳим экстралингвистик омиллар сифатида қайд этишни истар эдик.

Мамлакатимизда олиб борилаётган диний-маърифий тарғибот ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини оммага тушунтиришда, турли маънавий таҳдидларнинг олдини олишда, «оммавий маданият» таъсиридан ёш авлодни ҳимоя қилишда, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда асосий восита бўлиб қолади. Бу омиллар ДМлар услубининг ўзига хослигини келтириб чиқаради.

Диссертациянинг «Ўзбекча диний матнларнинг фонетик ва лексик-стилистик аспекти» деб номланган иккинчи боби тўрт фаслдан иборат.

Бобнинг «Оғзаки диний матнларнинг фоностилистик хусусиятлари» деб номланган биринчи фаслида диний матннинг оғзаки кўриниши яққол намоён бўладиган оммабоп аудитория – жума намозига тўпланган жамоа йиғинларида қилинадиган амри маъруф намунаси экспериментал тадқиқ этилди ва бунда М.Газиёва тавсия этган дастуридан фойдаланилди.¹⁶ «Руҳобод» масжиди имоми Тўлқин ҳожи Амировнинг 30 минутлик маърузаси аудиоёзуви материал вазифасини ўтади.

Бир гап шаклидаги нутқ фонетик манзарасининг компьютер ёрдамида олинган диаграмм кўриниши қуйидагича: *Бу банда ким эди, Аллоҳим!*



Диаграммадан маълум бўладики, *ким* сўзи 199 гц. мелодик чўққи билан талаффуз қилинган ва урғунинг интенсив харақати *Аллоҳ-الله* сўзига келганида 75,28 дБ.га тушган. Бу нутқнинг таъсирли бўлиши учун энг керакли ва муҳим ҳисобланган сўзга урғу берилганлигидан, нутқ муаллифи гапдаги айнан *ким* ва *Аллоҳ* сўзларини ана шундай бирликлар сифатида таъкидлаганлигидан далолат беради.

Нутқ муаллифининг талаффуз меъёрларига мумкин қадар амал қилинганлиги нутқнинг айрим просодик жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритишга имкон яратди ва бу ҳолатлар матнда 20 марта қўлланган ундалма – *биродар* сўзининг фонетик таҳлили орқали кўрсатиб берилди.

Бобнинг «Ёзма диний матнларнинг имловий хусусиятлари» деб номланган иккинчи фаслида кейинги йилларда мамлакатимизда диний эътиқод эркинлиги қарор топганлиги, исломий маънавий-маърифий асарларнинг кенг кўламда ўрганилаётгани ва чоп этилаётгани, илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани тилимизда арабча сўзларнинг, теонимик терминологиянинг фаоллашувга олиб келганлиги муносабати билан ўзбек тили имлоси ва талаффузида пайдо бўлган муаммолар ҳақида сўз юритилади. Масалан, ўзбек тилида шу пайтга қадар *Оллоҳ-الله*, *Раҳмон-رحمان*, *Раҳим-رحيم*, *Расул-رسول* тарзида ёзилиб келинаётган номлар талаффузида муайян фонетик ўзгаришлар, яъни *o→a*, *a→o* алмашинуви

¹⁶ Газиёва М.М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

содир бўлмоқда. *Оллоҳ - Аллоҳ, Раҳмон - Роҳман, Раҳим - Роҳим, Расул - Росул* тарзида ёзилмоқда ва талаффуз этилмоқда.¹⁷ Ҳозирги ўзбек адабий тилида диний матнлар ёзилиши ва талаффузи билан боғлиқ бўлган бу каби муаммоларнинг мавжудлиги ижобий ҳодиса эмас. Ушбу мазмундаги матнларнинг чуқур илмий таҳлили, имлоси ва талаффузи борасида бериладиган аниқ амалий тавсияларгина бу муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Уларнинг бартараф этилишига тилимизнинг яшаш қонуниятларига таянган ҳолда ёндашиш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. Аммо бу қонидани ҳамма сўзларга ҳам татбиқ этиш маъқул эмас. Масалан, имло луғатларимизда қайд этилган *воиз-واعظ*, *имон-إيمان*, *лаин-لعين*, *қоим-قائم*, сингари сўзларни *войиз*, *иймон*, *лайн*, *қойим* тарзида ёзиш хатоликка олиб келмайди, аксинча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна *мулла-мулло* сингари сўзлар борки, улар қўлланилишида услубий фарқлар сезилади: *Мулла Норқўзи ҳазил билан унинг аламини босмоқчи бўлди* (А.Қаҳҳор. «*Майиз емаган хотин*»). *Валихон сўфи: «Ўғлингиз мулло бўлсин», деб юзига фотиҳа тортди* (А.Қаҳҳор. «*Валихон сўфи*»). Мисоллардаги бу икки вариантнинг қиёсланиши уларнинг бирида (*мулла*) нейтраллик (бетарафлик), иккинчисида (*мулло*) экспрессив нозиклик бор.

Бобнинг «*Диний матнларнинг лексик қатламлари ва луғат таркиби*» деб номланган учинчи фаслида ДМлар луғат таркибидаги асосий элементлар – диний тушунчаларни англаувчи Аллоҳга ҳамду сано, Пайғамбарга салават айтишда қўлланиладиган сўз ва жумлалар, Қуръон оятлари ва ҳадислар таркибидаги бирликлар тадқиқ этилди ва бу луғавий бирликларнинг лексик-семантик таҳлилини беришда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» таянч манба қилиб олинди.

ДМларда қўлланилган сўзлар лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

-Аллоҳ, дин, мазҳаб каби тушунчалар билан боғлиқ сўзлар: *الله* Аллоҳ, *عليه السلام* алайҳиссалом, *أنبياء* анбиё;

-шариат билан боғлиқ сўзлар: *آذان* азон, *أمر معروف* амри маъруф, *عصر* аср;

-диний ижтимоий нуфуз, мансаб, бажарадиган амаллар билан боғлиқ сўзлар: *أولياء* авлиё, *والي* валий, *زاهد* зоҳид, *إمام* имом;

-диний жой номларини ифодаловчи сўзлар: *بيت الحرم* Байтул ҳарам, *بيت الله* байтуллоҳ;

-диний китоблар, қоғоз билан боғлиқ сўзлар: *زبور* Забур, *انجيل* Инжил, *نام* номаъи аъмол, *سورة* сура, *آية* аёят;

-кийим-кечакларни ифодаловчи сўзлар: *جامه* жома, *سله* салла;

-ғайб дунёсини ифодаловчи сўзлар: *عرصات* аросат, *عرش* ариш;

-ғайб мавжудотларини билдирувчи сўзлар: *ازويل* азозил, *عزرائيل* Азроил;

-диний маросимларни ифодаловчи сўзлар: *مavlud* мавлуд;

-ҳис-туйғу, муносабат ифодаловчи сўзлар: *الله أكبر* Аллоҳу акбар, *الҳамдулиллоҳ* алҳамдуллоҳ, *استغفر الله* астағфириллоҳ каби.

¹⁷ Исомиддинов З. Имлони билмаган мулло бўладими? / «Ҳидоят» журнали, 2019 йил № 10, -Б.26-27.

Шунингдек, диссертацияда арабизмлар, форсизмлар, туркизмлар, юнон, лотин ва бошқа тилларга мансуб бўлган диний сўзлар асосий лексик қатлам сифатида тадқиқ этилди ва улар қуйидаги тасниф асосида ўрганиб чиқилди:

-ДМларга хосланган сўзлар: *براءةбарот, ليلةالقدر ул-қадр, بديعة* бидъат, *бомдод, براق* буроқ, *وحدة* ваҳдат, *وحدانية* ваҳдоният, *وحي* ваҳий;

-Фақат бир маъноси билан ДМларга хосланган сўзлар: *авлиё* ЎТИЛда унинг тўрт маъноси берилган.¹⁸ *Валилар, эътиқодли, диндор кишилар; азиз, муқаддас, Оллоҳга яқин кишилар; руҳонийлар* унинг бирламчи маъноси. *Каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган одам; ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвешсифат, дарвешнамо одам* эса кейинги маънолари.

-ДМларга хос маъноси эскирган ва ҳозирда қўлланилмаётган ёки маъноси ўзгарган сўзлар: *сақар, сийра, таҳлил, тугун;*

-Оммалашиб, тилимизнинг ўз сўзларига айланган лексик бирликлар: *تقدير* тақдир, *خضر* хизр, *شيطان* шайтон, *حضرة* ҳазрат, *خالول* ҳалол, *харом, حقيقة* ҳақиқат;

-Одатда бирикмали тартибда қўлланиладиган диний сўзлар: *ҳамду сано* - *حمد ثناء*

Ушбу фактлар диний тушунчаларнинг асрлар давомида халқимиз маърифий оламига сингиб кетганлиги ва тилимиз луғат фондидан мустаҳкам жой олганлигини тасдиқлайди.

Бобнинг «*Диний матнлар лексикасининг экспрессив-эмоционал жиҳатлари*» деб номланган тўртинчи фаслида ДМларга хос бўлган сўзларнинг ўзбек тили луғат таркибига сингиб бўлгандан кейин содир бўлган сифат ўзгаришлари ўрганилди.

Бу элементларда юз берган ва асосан метафоризация билан боғлиқ бўлган маъно кенгайишлари ҳамда ушбу лексемаларнинг семантик-стилистик ва эмоционал-экспрессив хусусиятлари *алҳазар-الخنز, битилмоқ-بيتيلماق*), *бузрук, дарвеш, даргоҳ, жаннат, жаҳаннам, каромат, лаин, лот-манот, малак, муножот, узлат, шайтон* сўзлари мисолида таҳлил этилди.

Шу тарзда ишда ўзбек тили лексик тизимида ДМларга хосланган алоҳида тил бирликлари мавжудлиги, улар айнан диний соҳанинг лингвистик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши, диний тушунчаларнинг атамаси ва ифодаси сифатида ўзбекча матнлардан, миллий тафаккур олаmidан мустаҳкам ўрин олганлиги ҳақида хулосага келинди.

Диссертациянинг «**Ўзбекча диний матнларнинг грамматик-стилистик таҳлили**» деб номланган учинчи боби икки фаслдан иборат ва унда матннинг ушбу турига хос бўлган грамматик-стилистик ўзига хосликлар сўз туркумлари ва грамматик категориялар мисолида таҳлил этилди.

Бобнинг «*Диний матнларнинг морфологик хусусиятлари*» деб номланган биринчи фаслида сўз туркумларига, жумладан отларга оид грамматик категориялар кўздан кечирилганда шу нарса маълум бўлдики, турдош отлар ушбу матнлар тилида катта миқдорни ташкил этса-да, уларнинг лингвистик тадқиқи функционал-стилистик нуқтаи назаридан қизиқарли материал бўла

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдди, Биринчи жилд. – Тошкент, 2006, -Б.31-32.

олмайди. Аммо ДМларга хосланган ва фаол қўлланадиган пайгамбарлар, фаришталар, валийлар, анбиёю авлиёлар, саҳобалар исмларининг, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ жой номларининг ономастик бирликлар сифатидаги тадқиқи уларда семантик-стилистик имкониятлар кўлами кенг эканлигини кўрсатди.

Ишда *-лар* кўрсаткичи семантикасидаги анъанавийликдан ташқари ДМларда алоҳида стилистик вазифалар адо этиши *ривоят қилибдурларки, эрдилар, деганлар, қилдилар* каби ўнлаб сўзлар мисолида асослаб берилди ва айни пайтда, бу қўшимчанинг ДМларга хос эмаслиги таъкидланди. 1 шахс кўрсаткичи *биз* нинг Аллоҳ тилидан айтилганда ҳеч бир матнларга хос бўлмаган буюклик, улуғворлик ва қудратлилик нозиклигини бериши таҳлил этилди: ***Биз*** *сиздан илгари* ***Биз*** *юборган ҳар бир пайгамбарга ҳам: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилинг!» деб ваҳий юборгандирмиз»* (Анбиё,25) каби. Шу тарзда диссертацияда келишик, эгалик категориялари кўрсаткичлари доирасида ДМларда юзага келадиган семантик-стилистик оттенкалар ҳам таҳлил этилди.

Шунингдек, диссертацияда сўз туркумлари изчиллигида сифат, сон, олмош, феъл ва ёрдамчи сўзларнинг қўлланишида ДМлар услубига хос жиҳатлар таҳлил қилинди. Масалан, сифатнинг *-ий,-вий* кўрсаткичлари тилимизга *азалий, муҳасибий, хаттобий, бадавий, маънавий, илмий, исломий, умумий, диний* каби араб тили сўзлари билан бирга келиб келган. Айрим диний манбаларда келтирилган *феълий, шаъний, авзойи, ҳамдий, эътиқодий* шакллари қўлланишида ҳозирги тилимиз нуқтаи назаридан нотабийлик сезилса-да, ғайриилмийлик йўқ: *Дуолар икки қисмдир: 1. Феълий дуо, 2. Қовлий дуо; Олим Қуръоннинг усул ва тафсирини, ҳадисларнинг усул ва шарҳини, эътиқодий ва ахлоқий масалаларни яхши билиб амал қилиши керак* каби. Бу каби қўлланишлар ДМларга расмийлик, жиддийлик бағишлайди.

Диссертацияда шу тарзда муайян туркумга оид сўзларнинг семантик-стилистик хусусиятлари *бир* (сон), *жамъи* (олмош), *эди-эрди* (феъл), *-вчи/-гувчи* (сифатдош), *-гунча (-кунча, -қунча)* (равишдош), *билан, бирла, ила* (кўмакчи), *ва* (боғловчи), *-ки* (юклама) каби лексик-грамматик воситалар таҳлили орқали очиб берилди.

Сўз ясалишининг алоҳида жиҳатлари *ахлоқланиш, хулқланиш* бирликлари мисолида тадқиқ этилиб, ўзбек тилининг бошқа функционал кўринишларида бу каби ясалишлар учрамаслиги таъкидланди.

Бобнинг «*Диний матнларнинг синтактик хусусиятлари*» деб номланган иккинчи фаслида ДМларнинг ўз синтактик хусусиятларига кўра ўзбек тилининг бошқа ФУлари доирасида қараладиган матнлардан фарқли жиҳатлари тадқиқ этилди.

Маълум бўлдики, ДМлар ифода мантиғи фикрларнинг ўзига хос тарзда шаклланишини тақозо этади. Натижада Қуръон ва ҳадислардаги фикрлар айнан, бузилмасдан келтирилади. Қўшма гаплар, уюшиқ бўлакчи, кириш қурилмали, кириш бўлакчи, шахси умумлашган гаплар, сўроқ ва буйруқ гаплар фаол қўлланилади. Бадиий-эстетик таъсирчанликни таъминловчи бирликлар, ифода тасвир воситаларининг қўлланиш имкониятлари ҳам кенг.

